

## ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

*Шерматов Одилжон Аъзамжонович – Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” кафедраси доценти, и.ф.н., Email: [shermatovodiljon68@gmail.com](mailto:shermatovodiljon68@gmail.com).*

*Иномжоновна Феруза Алижоновна-Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” кафедраси магистранти. Email: [feruzainomjonova77@gmail.com](mailto:feruzainomjonova77@gmail.com)*

**Аннотация.** Мақолада шולי етиштиришни ривожлантиришда иқтисодий самарадорлик омиллари мавзусида ўтказилган илмий тадқиқот натижалари баён этилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади шולי етиштиришни ташкил этишда энг самарали инновациялардан фойдаланган холда иқтисодий самарадорликни таъминлашдир. Бу мақсадни амалга оширишда шולי етиштириш иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилди ва бу омиллар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги инновацион ташкилий-иқтисодий усуллар қўлланилди. Жумладан шולי етиштириш харажатларини ҳар бир агротехнологик жараён асосида аниқ режалаштирилиши яъни харажатлар сметасини олдиндин аниқ белгиланиши харажатларни доимий равишда назорат қилиш имкониятини яратиши исботланди, шולי экиладиган ерларни текислашда лазер ускуналаридан самарали фойдаланиш шולי майдонларида сув сатхини бир хилда яъни 5-7 см хажмда бўлишлигини таъминлаши тадқиқ қилинди. Шолидан уруғ олишнинг янги инновацион усулини қўллаш асосида шולי ҳосилдорлигини гектарига 10-15 центнерга ошириш мумкинлиги ва уруғчиликда сортосмесни олдини олиниши асосланди, шולי етиштиришда ротацияли суғориш усулидан самарали фойдаланиш асосида шולי ҳосилдорлигини гектарига 15 центнергача ошириш мумкинлиги тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** Шולי етиштиришни ривожлантириш, иқтисодий самарадорлик, самарадорлик омиллари, харажатлар сметаси, режалаштириш, агротехнологик жараёнлар, инновацион омиллар, лазер ускунаси, шולי уруғчилиги, сув бериш ротацияси, гуруч сифати.

**Кириш.** Ҳозирги шароитида “озик-овқат хавфсизлиги” масаласи дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги” ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Бу жаҳон аҳолисининг деярли ҳар саккиз нафаридан бири демакдир<sup>1</sup>. Маълумотларга кўра дунё аҳолиси 2018 йилда 7,6 миллиард кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич

<sup>1</sup><http://protoday.uz/uz/archives/239608>

2050 йилга бориб дастлабки прогноз ҳисоб-китобларга кўра 9,8 миллиарддан ошади, бу эса озиқ-овқатга бўлган талабнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади<sup>2</sup>. Шу сабабли, дунё амалиётида ушбу муаммони бартараф этиш йўналишларидан бири сифатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари қатори шоли ўсимлигини етиштириш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, гуруч ва гуруч маҳсулотлари инсон организми учун зарур бўлган озиқ-овқатлар ичида ўзига хос ўринга эгадир. Шоли ўсимлиги жаҳонда энг қадимий озиқ-овқат экинларидан ҳисобланиб, статистик маълумотларга кўра жанубий-шарқий Осиёда бундан етти минг йилдан буён экилади. 2022 йилга келиб жаҳоннинг 115 дан ортиқ давлатларида шоли етиштирилади ва шоли ўсимлиги экиладиган майдонлар жами 155,5 млн гектарни ташкил этади. Жаҳонда шоли етиштириладиган мамлакатларда шолнинг ўртача ҳосилдорлиги 38,4 центнерни ташкил этади. Қадимдан шоли етиштириладиган мамлакатлардан Хиндистонда 44,8 млн гектар ва Хитойда 31,7 млн гектар ерларга шоли экилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Шоли ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни тадқиқ қилиш ва уни илмий жиҳатдан ўрганиш шолчилик тармоғини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шоли ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ўрганиш жараёнида «самара», «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчаларини ўзаро фарқлаш талаб этилади. «Иқтисод фанларида «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари - мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси самарадорлик тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда суммаси қанча кўп бўлса иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни, маҳсулотларни ишлаб чиқариш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди» [2]. Самарадорлик ва иқтисодий самарадорликни асословчи юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб бу тушунчалар ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш ўринли бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларини такомиллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш туфайли эришилган натижани шу мақсадлар учун сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат миқдорига нисбати ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодалайди. Кишилик жамиятида моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш ҳаётий зарурият бўлиб, бу жараёнда моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат сарфини камайтириб бориш иқтисодий самарадорликка эришишнинг асосий омилидир. «Самара» - бу қандайдир бир фаолиятни натижавийлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

<sup>2</sup> <https://hordiq.uz/2019/07/22/top-10-aholisi-eng-kup-davlatlar/>

Самаранинг натижаси самарадорликда ўз аксини топади. Самарадорлик – бу сарфланган ресурслар эвазига қанча самара кўрилганлигини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичдир. Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги самарани (натижа) сарфланган ресурсларга нисбати билан аниқланади. Шу жиҳатдан, иқтисодий самарадорлик сарфланган ҳар бир сўмлик ресурс эвазига қанча самара олинганлигини акс эттиради. Шоли ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликка турли омиллар таъсир кўрсатади. «Қишлоқ хўжалигида алмашлаб экиш, селекция, агротехника, органик ва минерал ўғитлар ва ҳ.к. шу каби бошқарувчи таъсир омилларини бир биридан алоҳида, айрим ҳолда қўллаб мўлжалдаги натижага эришиб бўлмайди. Фақат уларни гармоник (уйғун) ва оқилона мувозанатлаштирилганда самара беради» [3]. Шунинг учун ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида шолчилик иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ижтимоий илмий жиҳатдан тизимлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тадқиқот методологияси.** Бугунги кунда Ўзбекистонда 100-110 минг гектар майдонда шоли экилиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига ўртача 35-38 центнерни, ялпи ҳосил 395 минг тоннани ташкил этмоқда. Ушбу миқдор Ўзбекистоннинг кун сайин ортиб бораётган аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган гуручга бўлган талабини минимал даражада қондиради холос. **Расмий маълумотларга кўра, аҳоли талабини тўлиқ таъминлаш мақсадида мамлакатда ҳар йили 55 минг тонна атрофида гуруч маҳсулоти импорт қилинмоқда.** Шу асосда Ўзбекистонда шоли етиштиришни янада ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, шолчилик тармоғига инновацияларни кенг жорий этиш асосида шоли ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилаётган гуруч миқдори ва сифатини бугунги талаб даражасидаяхшилаш билан боғлиқ чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2021 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор Республикада шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш билан боғлиқ шолчиликдаги энг долзарб ҳисобланган муаммоларни ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, мазкур қарор асосида:

-Ўзбекистоннинг шоли экиладиган минтақаларида шоли етиштирувчи фермер хўжаликлари базасида уруғчилик хўжаликларини ташкил этиш асосида шолини авлодли уруғчилигини йўлга қўйиш;

- шоли экиладиган минтақаларнинг тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда шолини алмашлаб экиш дастурини тузиш. Бунда, бир далада 2 йилдан ортиқ шоли етиштиришга йўл қўймаслик бўйича илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий этиш;

-шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг йўлга қўйиш мақсадида шоли экин майдонларида шолини кўчатлаб экишни босқичма-босқич жорий этиш, шоли майдонларини лазер ускунаси ёрдамида текислаш тизимини

жорий этиш,шолини замонавий уруғ саялкаларида экиш кўзда тутилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Юқоридагилар асосида бугун Ўзбекистонда шолчилик тизимида тармоқни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш механизмлари самарали ишлаётган бир вақтда шולי етиштирувчилар томонидан аҳамият қаратилиши зурур бўлган уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш зарурияти ушбу мақолани тайёрланишига асос бўлди.

Ўзбекистонда шולי етиштиришни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари мавзусида олиб борилган тадқиқотлар жараёнидаюқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 2021 йилдан бошлаб шולי етиштирувчиларга берилган проференциялар асосида самарадорлик кўрсаткичлари атрофлича иқтисодий таҳлил этилди.

Жумладан, мазкур тадқиқотлар давомида Ўзбекистоннинг ер майдонларини 1 фоиз қисмида жойлашган лекин, мамлакат аҳолисининг қарийб 10 фоизи истиқомат қиладиган Андижон вилоятида шולי етиштириш ҳолати ўрганилди ва таҳлил этилди.

2023 йил 1 январ ҳолатига Андижон вилояти бўйича аҳоли сони 3.322.800 кишидан ортган ва вилоятда бир квадрат километрга ўртача 744 киши тўғри келади. Бу кўрсаткич Республика бўйича ўртача 75 кишини ташкил этади. Вилоятда 201026 гектар суғорилиб деҳқончилик қилинадиган экин ерлари мавжуд бўлиб, шундан 11827 гектарини шולי майдонлари ташкил этади. 2022 йилда вилоятнинг 12 та туманида жойлашган шолчилик агрокластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан жами 51484 тонна шולי ҳосили етиштирилди ва шולי ҳосилдорлиги гектарига ўртача 43.5 центнерни ташкил этди. Вилоят шолчилигида 2022 йилда 1 гектар шולי майдонига ўртача 22002 минг сўм сарф харажатлар амалга оширилди ва гектарига ўртача 27410 минг сўмдан даромадга эришилди. Вилоят шолчилигида 1 тонна етиштирилган шולי ҳосили учун ўртача 5054минг сўм харажат қилиниб, 6297 минг сўм даромад қилинди. Натижада 2022 йилда вилоятда шולי етиштиришнинг рентабеллик даражаси ўртача 43.5 фоизни ташкил этди.

Маълумки, шולי етиштиришда минтақаларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ривожланиши ва иқтисодий самарадорлигига турли омилларни таъсирин ҳар хил кўринишда бўлади.

Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида шולי етиштиришни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигига қуйидаги омилларнинг таъсири кучли деб ҳисоблаймиз:

- ҳар бир агротехнологик жараён асосида шולי етиштириш харажатлари аниқ режалаштирилиши яъни харажатлар сметасини олдиндин аниқ белгиланиши ва шу сметага доимий амал қилиниши;

- шולי экиладиган ерларни тайёрлашда лазер ускуналаридан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- шולי уруғчилигига эътиборни кучайтириш;

- шוליга сув беришда энг самарали технологияларни кенг қўллаш ва хоказо.

**Шоли етиштириш харажатлари ҳар бир агротехнологик жараён асосида аниқ режаслаштирилиши яъни харажатлар сметасини олдиндани аниқ белгиланиши ва бу сметага доимо амал қилиниши**- бу шоли етиштиришни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг энг асосий омилларидан хисобланади. Маълумки, шоли етиштириш агротехнологияси жараёни бир қанча мураккаб жараёнларни ўз ичига олади:

-шоли етиштириш агротехнологиясини табиий-иқлим шароитлари билан бевосита боғлиқлиги;

-Ўзбекистонда шоли етиштиришни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлиги масалаларитармоқни суғориладиган сув билан таъминланганлиги билан бевосита боғлиқ эканлиги;

-шоли етиштириш агротехнологияси жараёнида сарфланадиган харажатлар яъни техника хизмати, ёқилғи ва мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, транспорт хизмати билан боғлиқ ресурсларнинг харид баҳолари билан етиштирилаётган шолени харид баҳолари ўртасидаги номутаносибликлар ва хоказо.

Шунинг учун шолчиликда агротехнологик жараёнлар бошланишидан олдин ҳар бир амалга оширилиши зарур бўлган агротехнология учун жорий баҳолар асосида амалга ошириладиган харажатлар режасини тайёрлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки,бу бизнес режа хисобланиб шоли етиштирувчи учун қайси давр учун қанча харажат сарфлаш керак эди ва у қанча харажат қилди деган саволга доим жавоб топиш имкониятини яратади.Бу эса шоли етиштирувчи учун ўзи етиштираётган маҳсулотни иқтисодий самарадорлигини агротехнологик жараёнларда ўзи учун тахминий билиб туриш асосида шоли етиштириш иқтисодиётини бошқариш имкониятини яратади.

**Шоли экиладиган ерларни тайёрлашда лазер ускуналаридан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш**- бу агротехнологияни шолчиликка кенг жорий этиш масаласи бугунги кунда Ўзбекистонда Президент қарори асосида алоҳида вазифа сифатида қўйилган бўлиб,бу агротехнологияни амалга оширилиши шоли экиладиган майдонларда сувни бир текисда яъни 5-7 см ётишини таъминлайди.Натижада амалга ошириладиган бу тадбир биринчидан,шоли майдонларида энг аввало кўчат қалинлиги меъёрини таъминлаб беради,иккинчидан, агротехнологик жараёнларда шоли ниҳолларини бир меъёрда сув билан таъминлаш ва озиклантириш имкониятини яратади.Кўчат қалинлиги меъёрда бўлган ва бир меёрда сув билан таъминланган ва озиклантирилган майдонларда албатта ҳосилдорлик юқори олинаётган ҳосилни сифати юқори бўлади ва ўз навбатида бу ҳолатлар иқтисодий самарадорликка ҳам ўзини ижобий таъсирини ўтказди.



**1- расм. Шоли етиштиришни иқтисодий самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар**



Манба: Муаллиф илмий-тадқиқотлари

**Шоли уруғчилигига эътиборни кучайтириш**-бугунги кундабу масалага Ўзбекистон шолчилигидаги энг долзарб масала сифатида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, шоли уруғчилигини тўғри йўлга қўйилиши шоли етиштирувчиларга қуйидаги афзалликларни беради:

-шолчиликда турли шоли уруғларини аралашиб кетиши (сортосмес) ни юзага келишини олди олинади. Бу эса олинаётган шоли ҳосилини сифатига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади яъни гуручни истеъмол сифати яхшиланади;

-шолини авлодли уруғларини етиштирилиши шоли етиштирувчиларга бир хил уруғни иккинчи йилда ҳам экиш имкониятини беради. Бу эса шоли етиштирувчиларни ўзи учун уруғлик тайёрлаш имконияти асосида уруғ харажатларидан қутқаради;

-маҳсулот сифатини яхшиланиши бир бирлик маҳсулотни бозорда сотиш баҳосини оширишга олиб келади ва бу ўз навбатида шоли етиштирувчилар даромадини кўпайтириши учун хизмат қилади.

**Шолига сув беришда энг самарали технологияларни кенг қўллаш**-Ўзбекистонда йилдан йилга мураккаблашиб бораётган суғориш сувининг тақчиллиги шароитида шоли етиштирувчи минтақаларда шолини суғоришда янги агротехнологияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифаларни белгиланиши нафақат шоли етиштиришни кўпайтириш, балки унинг сифатини ошириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу асосда шоли етиштиришда сув билан бир меъёردа таъминланганлик самарадорликка бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Чунки,

шоли– сувда ўсиб ривожланадиган ўсимликдир. Одатда шоли майдонларига агротехнология давомида сув бериш ягона сув йўли орқали амалга оширилади. Бу эса шоли майдонидаги марзаларни хажмини ўртача 0.15-0.20 гектар деб ҳисобласак, биринчи марзанинг сув кириш жойида камида 0.05-0.07 гектар майдонларда сувнинг совуқлиги шоли агротехнологияси жараёнида ўсимликни ўз вақтида ривожланиши ва тўла пишиб етилишига тўсқинлик қилади, сув майдоннинг бошқа зоналарига ўтгунича қуёш таъсирида исийди шунинг учун ҳам шоли майдонининг бу қисмларида шоли ҳосили сув кириш жойига нисбатан эртароқ пишиб етилади. Натижада шоли майдонида пишиб етилган ҳосил икки хил бўлиб қолади, яъни майдонга сув кирадиган жойлардаги ҳосилни пишиб етилиши 7-10 кунга орқада қолади. Бу жараёнда шоли майдонларига сув бериш жойларини ротациялаш (ўзгартириб туриш) механизми шоли ҳосилини бир меъёردа пишиб етилишини таъминлайди. Натижада шоли экилган майдондаги ҳосил бир вақтда ва бир хилда пишиб етилади. Агар шоли агротехнологиясидаги ушбу таклиф этилаётган новацияни қўллаганда ҳар бир гектар шоли майдони ҳисобига 0.05-0.07 гектар худди шундай шоли майдонлари тўғри келганда бу майдонлардаги ҳосил ўртача 40 центнер\гектар ҳисобланганда ( $0.07 \cdot (40 \text{ ц} = 4000 \text{ кг}) = 200 \text{ кг}$ ) ҳар гектар ҳисобига қўшимча 200 кг шоли ҳосили қўшиш имконияти бўлади. Бу эса Ўзбекистон шароитида ( $200 \text{ кг} \cdot 65\% / 100 = 130$ ) 130 кг гуруч ва ( $130 \cdot 10000 \text{ сўм/кг} = 1300.000$ ) 1300000 сўм қўшимча даромад дегани. Демак, биз юқорида келтирилган технологияни қўллаш ҳисобига ҳар гектар шоли майдонидан қўшимча 1.300.000 сўм даромад олишимиз мумкин экан.

**Хулоса ва таклифлар.** Шоли етиштиришни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга келдик:

1. Шоли етиштирувчи минтақаларда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб харажатларни ҳар бир агротехнологик жараён асосида аниқ режалаштирилиши яъни харажатлар сметасини олдиндан аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, шоли етиштириш жараёни учун тузилган харажатлар сметасига амал қилиш ва харажатлардан самарали фойдаланиш ҳисобига даромадларни ошириш шолчиликни ташкил этишда тармоқни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг бирламчи омили ҳисобланади.

2. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шоли экиладиган ерларни экишга тайёрлашда лазер ускуналаридан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш шоли экиладиган майдонларда сувни бир текисда ётишини таъминлайди. Бу эса экилган майдонларда қўчат қалинлиги меъёрини таъминлаш ва агротехнологик жараёнларда шоли ниҳолларини бир меъёрдa озиклантириш имконини беради. Натижада шолчиликда ҳосилдорликни юқори бўлиши асосидаги иқтисодий самарадорликни ошириш имконияти яратилади.

3. Шоли уруғчилигини тўғри йўлга қўйилиши шоли етиштиришда ҳар хил навга мансуб бўлган шоли уруғларини аралашиб кетиши (сортосмес)ни олдини олади. Бу эса олинаётган шоли ҳосилини сифатига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади яъни гуручни истеъмол сифати яхшиланади. Маҳсулот сифатини

яхшиланиши эса маҳсулотни бозорда тез ва қиммат нархда сотилишини таъминлайди. Бу жараён ўз навбатида шоли етиштирувчилар даромадларини ошиши учун хизмат қилади.

4. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, шоли майдонларига сув бериш жойларини ротациялаш механизми шоли ҳосилини бир меёрда пишиб етилишини таъминлайди. Бу эса ҳар бир гектар шоли майдонидан ўртача 1.5-1.8 млн сўм қўшимча даромад олишни таъминлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. .Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сон “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. .Nayak.Sh.P, Variar.M, Banik.N.Ch, Khandai.S (2021) Rice Production Manua lforOdisha,Book.
3. Sholi- AGRO UZ. (May 31, 2022) [Sholi - AGRO.UZ](http://Sholi-AGRO.UZ)
4. O.Shermatov, Sh.Xursanaliyev. Innovation factors in increasing the economic efficiency of growing rice in agriculture.“DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR” International scientific-practical conference on March 25-26, 2021. Page 281-285.
5. O.Shermatov, S.Tojiddinov, M.Muhtorov.GLOBAL AND REGIONAL ASPECTS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT. SCIENTIFIC COLLECTION «INTERCONF» | № 43, GLOBAL AND REGIONAL ASPECTS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT COPENHAGEN, DENMARKFebruary 2021. 26-28.02. Page -36-40
6. Иномжонова Ф.А. Экономические основы развития рисоводства. V Международной научно-практической конференции студентов и магистрантов «Беларусь в современном мире: цели и ценности» 2022 г.
7. [E-mail: istoria\\_Gorki@mail.ru](mailto:istoria_Gorki@mail.ru)
8. *Иномжонова Ф.А. Sholi ishlab chiqarish va sotishda iqtisodiy samaradorlikni oshirish (xorij tajribasi). “Logistika va iqtisodiyot “ ilmiy elektron jurnali. ISSN 2181-2128 № IV,2022 yil. 215-219 betlar [www.economyjournal.uz](http://www.economyjournal.uz)*
9. Абдукаримов Д.Т. Хусусий селекция Т. 2007. 4. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги” вазирлиги ҳамда “Денизбанк” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.
10. Andijon-viloyatining-2022-yilgi-makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari-.Statistical report of Andijan region 2021. Andijan. [Andijan - Wikipedia,https://review.uz/en/post/andijon](http://Andijan-Wikipedia,https://review.uz/en/post/andijon)
11. <https://hordiq.uz/2019/07/22/top-10-aholisi-eng-kup-davlatlar/>
12. <http://protoday.uz/uz/archives/239608>